

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ШУКУРОВ РУСТАМ ЭШОНКУЛОВИЧ

**ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ
ВА ДИНДОРЛИК ТИПЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ**

19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Psychological Sciences**

Шукуров Рустам Эшонкулович

Шахсинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларнинг ўзаро
боғлиқлиги.....5

Шукуров Рустам Эшонкулович

Взаимосвязь механизмов психологической защиты и типов религиозности
личности.....27

Shukurov Rustam Eshonkulovich

The relationship between the mechanisms of psychological defense and types of
personality religiosity.....52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА
ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИ**

ШУКУРОВ РУСТАМ ЭШОНКУЛОВИЧ

**ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИ
ВА ДИНДОРЛИК ТИПЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ**

19.00.05 - Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/P134 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psi-ik@uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Кадиров Камолиддин Батирович психология фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хайитов Ойбек Эшбоевич психология фанлари доктори, профессор Жабборов Хазрат Хусенович психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел (+99871) 276-82-32; факс (+99871)276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
психол.ф.д., профессор в.б.

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, психол.
ф. н., доцент

У.Д.Қодиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, психол.ф.д.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнгги йилларда геосиёсий ва геостратегик манфаатлар тўқнашуви негизда инсоният келажагини тинч ва барқарор тараққиётини таъминлаш кўпроқ инсонларнинг диний хулқ-атвор ва психологик ҳимоя механизлари омилларига боғлиқ масалаларга эътибор қаратиш долзарблашиб бормоқда. Бунга асос сифатида глобаллашув шароитида «...диний онг трансформацияси, диний аддикция, диннинг моҳиятини тўғри англаб етиш борасидаги когнитив бузилишлар...»¹ сабабли юзага келаётган мафкуравий бузилишлар ва психологик ҳимоя механизлари туфайли шаклланган деструктив хулқ-атвор намуналари бутун инсониятни ташвишга солиши муқаррар бўлган даврда диний фанатизм ва унинг психологик омиллари, ривожланиш механизмларини тадқиқ этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда ёшларнинг диний онги ва характер хусусиятлари натижасида шаклланивчи хулқ-атвор намуналарини жамият томонидан маъқулланган меъёрларга мос шакллантириш масалаларига қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада психологик ҳимоя механизлари ва диндорлик типлари таъсирида шаклланивчи хулқ-атворни психоанализ нуқтаи назардан ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш, шахс хулқ-атвори билан боғлиқ муаммоли вазиятлардан халос бўлишнинг ижтимоий-психологик таъсир усулларини, шахснинг хулқ-атворини оғишларсиз вужудга келишида таълим-тарбия ва диний эътиқодига ижтимоий муҳит таъсирини илмий тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқотларга эътибор кучаймоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда «илм – дин – жамият» учлиги ижтимоий ҳаётнинг алоҳида муаммоси ҳисобланиб, «...ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш...»² га хизмат қилиши, мазкур масалада очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг эътиқод эркинликларини таъминлаш, диний таълим олиш ва диний ташкилотларнинг эркин фаолият юритишининг зарур меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, ёшларда диндорлик типлари, диний дунёқараш ва шахс хусусиятларининг шаклланиши омилларини чуқур таҳлил этиш, ёшлар ўртасида дин билан боғлиқ тушунча, тасаввурларни ҳар томонлама ўрганишга оид истиқболдаги вазифаларни амалга ошириш учун янги имконият ва шарт-шароитлар юзага келди.

¹А.Ф.Гавриленков. Социология и социальная работа. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского. Серия Социальные науки, 2008, № 1 (9), с. 34-38. <https://cyberleninka.ru/article/n/transformatsiya-religioznogo-soznaniya-v-usloviyah-globalizatsii>.

² Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июльдаги ЎРҚ-699-сон «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021й., 03/21/683/0375-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июльдаги ЎРҚ-699-сон «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни ва шу фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахснинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари психология фанида устувор тадқиқот мавзуларидан ҳисобланиб, республикамиз олимларидан А.Г.Айрапетова, Б.М.Ботиров, Б.Р.Кадиров, В.М.Каримова, С.Р.Садриддинов, Ғ.Б.Шоумаров, П.С.Эргашев, К.Б.Қодиров ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан М.А.Абрамов, Ф.В.Бассин, Ф.Б.Березин, Б.Д.Карвасарский, Б.М.Куценко, С.Москович, Ю.П.Тобалов ва бошқалар томонидан психологик ҳимоя механизмлари ҳамда диндорлик типларини интропсихик мослашув механизмлари, онгли ҳаракатлардан бош тортиш, гуруҳ ёки оломоннинг руҳий энергия манбаи, кўллаб-қувватлаш мотиви, шахснинг хулқ-атвор мотивацияси тадқиқ этилган.

Хориж мутахассисларидан А.Адлер, Э.М.Ареба, В.Вундт, У.Джеймс, М.Клайн, Т.А.Проут, П.Рикардо, К.Рожерс, Б.Симон, Узейир Ок, Л.Ж.Френсис, З.Фрейд, А.Фрейд, Э.Фром, Г.Хойнзад, К.Хорни, Х.Шаунбург, Э.Эриксон, К.Юнг ва бошқалар томонидан ҳимоя механизмларини ва уларнинг диндорлик типлари билан боғлиқлик жиҳатларини аниқлаш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти илмий-тадқиқотлар режасининг ПЗ-20170927486-рақамли «Ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини аниқлаш ва мансаб поғоналарида ўсиш истиқболини белгилаш технологиялари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2019-2021 й.й).

Тадқиқотнинг мақсади психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларининг ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини эмпирик

жихатдан тадқиқ этиш ва деструктив диний хулқнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахс индивидуал диндорлик типларининг факторли таҳлилини амалга оширган ҳолда уйғунлашган ва уйғунлашмаган диндорлик типларининг конструктив ва деструктив хулқ-атвор шаклланишига таъсирини аниқлаш;

уйғунлашган ва уйғунлашмаган диндорлик типларининг шахснинг салбий ва ижобий эмоционал хусусиятларини детерминацияловчи омил эканлигини исботлаш;

психологик ҳимоя механизмларининг шахсий жавобгарликдан озод қилиш, ўзини оқлашга ёрдам бериш ҳамда салбий ҳиссиётлардан халос этувчи функционал компонентларга дифференциацияланишини асослаш;

уйғунлашган ва уйғунлашмаган диндорлик типларининг конструктив ва деструктив ҳимоя механизмлари функциялари билан детерминацияланишини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шахснинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларининг ўзаро боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш жараёни танланган бўлиб, тадқиқотга Ўзбекистон давлат консерваториясидан 21 нафар, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан 31 нафар, Ўзбекистон Миллий университетидан 111 нафар, Низомий номидаги Тошкент педагогика университетидан 56 нафар ва Сурхондарё вилояти Денов тадбиркорлик ва педагогика институтидан 90 нафар талабалар, жами 309 нафар респондентлар жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини шахснинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларининг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари, асосий ижтимоий-психологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда Р.Плутчик, Г.Келлерман, Х.Р.Контеларнинг «Ҳаёт тарзи индекси» сўровномаси, Ж.Фаренбер, Х.Зарг, Р.Гампелларнинг «Фрайбург шахс сўровномаси», И.Ф.Мягков, Ю.В.Шчербатих, М.С.Кравцовларнинг «Индивидуал диндорлик типлари тузилмаси» тести, Г.Олпорт, Э.Росларнинг «Ички ва ташқи диний йўналганлик» сўровномаси, Д.О.Смирновнинг «Диний фаоллик» сўровномасидан фойдаланилди. Олинган натижаларнинг статистик ишонччилик даражаси математик статистика усулларида (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Манн-Уитни, Крускал-Уоллис мезонлари ва Пирсоннинг r_p -корреляция коэффициентини ҳисоблаш) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талаба-ёшлар ўртасида деструктив диний хулқ-атворни шакллантирувчи «уйғунлашмаган» диндорлик типлари ўрнига «уйғунлашган» диндорлик типларининг намоён бўлишининг онг ости фаолиятига таъсири жихатидан конструктив диний хулқ-атворни шакллантирувчи муҳим омил эканлиги асосланган;

талаба-ёшлардаги «уйғунлашмаган» диндорлик типлари салбий эмоционал хусусиятларнинг намоён бўлишига, «уйғунлашган» диндорлик

типлари эса когнитив жараёнларга таъсир этган ҳолда ижобий шахсий фазилатларнинг шаклланишига олиб келиши исботланган;

талаба-ёшларнинг ташқи муҳит талаблари натижасида юзага келувчи ички зиддиятларни заифлаштирувчи психологик ҳимоя механизмлари ташқи ва ички воқеликни бузиб идрок эттирилишига кўра шахсий жавобгарликдан озод қилувчи, ўзини оқлашга ёрдам берувчи, салбий ҳиссиётлардан халос этувчи функционал компонентлар бўйича дифференциацияланиш модели яратилган;

талаба-ёшлар шахсида «уйғунлашмаган» диндорлик типларининг намоён бўлиши жавобгарликдан озод қилувчи ҳамда салбий ҳиссиётлардан халос этувчи ҳимоя механизмларининг деструктив функциялари билан шартланган бўлса, «уйғунлашган» диндорлик типларининг шаклланиши, аксинча, нисбатан конструктив характердаги ўзини оқлашга ёрдам берувчи ҳимоя механизмлари билан детерминацияланганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларини аниқлаш ва тадқиқ этишга мослаштирилган методикалар такомиллаштирилган ва амалиётга жорий этилган;

диндорлик типлари ҳам шахснинг психоэмоционал соҳаси билан ўзаро боғлиқ эканлиги асосланиб, шахс «Мен»ининг ҳимоя механизмлари амалий таснифланган;

талабалар ўқув фаолиятининг турли курсларида ҳимоя механизмлари ва индивидуал диний йўналганлик типларининг келажак учун танлаган касби бўйича мутахассис бўлишига ва касбий тажрибага таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, психологик хизмат йўналишида амалиётчи мутахассислар томонидан кенг қўлланувчи методик воситалар, математик-статистиканинг турли даражадаги (бирламчи ва юқори даражалардаги) методлари комплекс қўллангани, респондентлар танлама ҳажми ижтимоий-психологик тадқиқотларда тавсия этилган чегараларда бўлгани, илмий-назарий таҳлил, натижалар шарҳида ишончли манбаларга асосланганлик, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, шахс психологияси, психологик ҳимоя механизмлари ва шахс диндорлик типларининг ўзаро боғлиқлиги, амалга ошириш механизмлари ўрганилган ва тадқиқ этилган муаммога оид илмий тушунча, тасаввурларни кенгайтириши каби психологик усуллар моҳияти ва тушунчаси очиқ берилганлиги, шахс эътиқоди муаммоларини ҳал этиш, ички ишлар тизимидаги терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш ходимлари, Ёшлар ишлари агентлиги тизими ходимлари, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этишда, ижтимоий ва этнопсихология йўналишларидаги тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган эмпирик маълумотлардан шахснинг психологик ҳимоя механизмларини тўғри фойдаланишда фойдаланиш мумкинлиги, олинган натижалар ва илгари сурилган ғоялар муайян концептуал назариянинг шаклланишига хизмат қилиши, назарий умумлашма ва таҳлиллардан шахснинг ўзига хос ижтимоий-психологик типлари ва ҳимоя механизмларини тадқиқ қилувчи методикалардан фойдаланишда, шунингдек, «Дин психологияси», «Девиантология асослари», «Ижтимоий психология» фанларидан ўқув кўлланма, дарсликлар тайёрлашда, психологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Шахснинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

талаба-ёшлар ўртасида деструктив диний хулқ-атвори шакллантирувчи «уйғунлашмаган» диндорлик типлари ўрнига «уйғунлашган» диндорлик типларининг намоён бўлишининг онг ости фаолиятига таъсири жиҳатидан, конструктив диний хулқ-атвори шакллантирувчи муҳим омил эканлигига доир илмий натижалар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши амалиётига татбиқ этилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2021 йил 04-13/952 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 2016 йил 16 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунда белгиланган тамоиллардан бири «маънавий, ахлоқий ва маданий кадриятларнинг устуворлиги»ни таъминлаш ҳамда «ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларига эга қилиб тарбиялаш» каби вазифаларни амалиётга татбиқ этишга оид лойиҳаларда амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талаба-ёшлардаги «уйғунлашмаган» диндорлик типлари салбий эмоционал хусусиятларнинг намоён бўлишига, «уйғунлашган» диндорлик типлари эса когнитив жараёнларга таъсир этган ҳолда ижобий шахсий фазилатларнинг шаклланишига олиб келиши исботланганлигига оид илмий янгиликлари Дин ишлари бўйича қўмита фаолияти амалиётига татбиқ этилган. (Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 02-03/4234 сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида диний-маърифий соҳа ходимлари учун ташкил этилган малака ошириш курслари ўқув дастурларининг ишлаб чиқишида фойдаланишга эришилган;

талаба-ёшларнинг ташқи муҳит талаблари натижасида юзага келувчи ички зиддиятларни заифлаштирувчи психологик ҳимоя механизмлари ташқи ва ички воқеликни бузиб идрок эттирилишига кўра шахсий жавобгарликдан озод қилувчи, ўзини оқлашга ёрдам берувчи, салбий ҳиссиётлардан халос этувчи функционал компонентлар бўйича дифференциацияланиш модели

яратилганлигига оид янгиликлар Психология ўқув-илмий маркази фаолиятига татбиқ қилинган. (Низомий номидаги ТДПУ қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги ПМ-48 а сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида Психология ўқув-илмий марказининг «Этнопсихология ва дин психологияси», «Девиантология асослари» ва «Ижтимоий психология» модуллари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилган;

талаба-ёшлар шахсида «уйғунлашмаган» диндорлик типларининг намоён бўлиши жавобгарликдан озод қилувчи ҳамда салбий ҳиссиётлардан халос этувчи ҳимоя механизмларининг деструктив функциялари билан шартланган бўлса, «уйғунлашган» диндорлик типларининг шаклланиши, аксинча, нисбатан конструктив характердаги ўзини оқлашга ёрдам берувчи ҳимоя механизмлари билан детерминацияланганлиги далилланган илмий янгиликлари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 2 июлдаги 4-17-23-1768 сонли маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг 2 боб 5 бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда, Ёшлар сиёсатини она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларида ва 2021 йилда ўтказилган тадқиқот ишлари натижаларини илмий жиҳатдан таҳлил ва талқин этиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий мазмуни 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича 6 та илмий мақола, 6 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, шу жумладан, 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацион иш кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган ҳамда эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларини ўрганиш бўйича илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби психологик ҳимоя механизмлари, диндорлик тушунчалари ва типлари ҳақида Юнон файласуфларининг (Платон, Декарт, Кант, Гегель, Д.Юм ва С.Кьеркегор ва б.) фалсафий-психологик қарашлари; классик психоанализ ва рус олимларининг (З.Фрейд, А.Фрейд, К.Юнг, К.Хорни, М.Клайн, А.Адлер, Э.Эриксон, К.Рожерс, У.Джеймс, Э.Фром, В.Вундт, Ф.Б. Березин, Б.Д. Карвасарский, С.Москович, Ю.П. Тобалов, М.А. Абрамов ва б.) назариялари; Замоनावий хориж психологлариининг (B.Simon, P.Ricardo, L.J. Francis, T.A. Prout, G.Khoynezhad, E.M. Areba, H.Schauenburg, Üzeyir Ok ва б.) илмий тадқиқот таҳлиллари орқали намоён бўлишининг индивидуал психологик баёнига бағишланган.

Мазкур бобда келтирилган маълумотлар асосида психологик ҳимоя механизмлари ва диндорликнинг намоён бўлишидаги назарияларнинг бири-бирига қарама-қаршилигини кузатишимиз мумкин, яъни баъзи олимлар ҳимоя механизмлари ва диндорликни деструктив характерда таснифласалар, баъзилари конструктив нуқтаи назар билан изоҳлайдилар. Шунингдек, олимлар талқинида, айрим ҳолатларда ҳимоя механизмлари ва диндорлик шахсда бузғунчи ҳис, хатти-ҳаракатни юзага келтирувчи психиканинг салбий ҳолати ёки «Мен»ни турли ҳилдаги таҳдидлардан ҳимояловчи восита сифатида талқин этилган.

Диссертациянинг «**Психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларини тадқиқ этишнинг методологик асослари**» номли иккинчи бобида талаба-ёшларда психологик ҳимоя механизмлари, шахс хусусиятлари ва диндорлик типларига мойиллик психодиагностикаси учун тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг психометрик сифатлари, мазмуни, методологик асослари ва натижалари келтирилади. Шунингдек, талаба ёшларнинг психологик ҳимоя механизмлари, шахс хусусиятлари ва диндорлик типларининг факторли таҳлил натижалари ҳам берилди. Ушбу бобнинг асосий қисмида талаба-йигитлар ва талаба-қизлар психологик ҳимоя механизмларининг диндорлик типлари билан ўзаро боғлиқлик жиҳатларини эмпирик ўрганиш натижалари кўра талқин этилади.

Шахснинг психологик ҳимоя механизмларининг мазмун-моҳиятини англаб етиш борасида олиб борилган илмий изланишларимиз улар ўртасида мазмунан ўзаро ўхшашлик хусусиятлари борлиги тўғрисидаги фикр

юритишимизга асос бўлиб хизмат қилди. Айнан шу мақсадда илмий тадқиқот ишимиздан олинган натижаларни факторли таҳлил ёрдамида улар ўртасидаги мазмунан ўхшашлик жиҳатларига кўра маълум омилларга ажралишини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Шу сабабли, мазкур бобда келтирилган илмий тадқиқот натижаларидан маълум бўлганидек, талаба-ёшларнинг психологик ҳимоя механизмлари учта омилга бирлашди (1-расм).



1-расм. Психологик ҳимоя механизмларининг функционал компонентлар бўйича дифференциацияланиш модели

1-расмдан кўриниб турганидек, психологик ҳимоя механизмлари учта омилга бирлашди.

Биринчи омил регрессия ва ўрнини тўлдириш ҳимоя механизмларини ўз ичига олади. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам шахснинг хаёлларида ва орзуларида пайдо бўлиш эҳтимоли юқориликдан дарак беради. Мазкур икки ҳимоя механизмларининг мазмунан яна бошқа ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуддир. Ўрнини тўлдириш ва регрессия ҳимоя механизмлари ижтимоий доираларда ихтилоф туғдираётган импульслар юзага келганда намоён бўлади. Бу вақтда регрессия ҳимоя механизми тараққиётнинг илк босқичларига қайтиш орқали «Мен»ни ҳимоя қилади.

Иккинчи омилга мансуб психологик ҳимоя механизмларининг ҳам бир бирлари билан мазмунан ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Проекция, рационализация ва гиперкомпенсация тақиқланган импульслар таъсирида юзага келган ҳақиқатга мос қарор топа олмаслик натижасида мавжуд воқелик бузиб идрок этилади. Шахсий ёки ижтимоий жиҳатдан қабул қилинмайдиган фазилатлари, истаклари, ҳаракатларини оқлаш учун ишончли далиллардан фойдаланиш натижасида юзага келади.

Учинчи омилга тегишли психологик ҳимоя механизмларининг бир бирлари билан мазмунан боғлиқлик жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Сиқиб чиқариш, рад этиш ва компенсация ёқимсиз ёки безовта қилувчи импульслар онг остига ўтказиш натижасида юзага келувчи ҳимоя механизмлари ҳисобланади. Бу механизмлар ёқимсиз ёки безовта қилувчи импульсларни изоляция ёки инкор этиш натижасида уларни йўқ қилади.

Компенсация ҳимоя механизми ҳам инсон ўзидаги мавжуд камчиликлар сабабли пайдо бўлувчи ҳимоя механизмидир. Унинг ҳам асосий вазифаси фақатгина камчиликлар туфайли келиб чиқадиган рухий зўриқишлардан халос бўлиш мақсадида уларни тўғри англамасдан инкор этиб инсондаги бошқа сифатларни ривожлантириш ҳисобланади. Шунингдек, компенсация маълум бир кишининг шахсий ёки жисмоний камчиликларини ўрнини тўлдириш учун зарур бўлган қўшимча ҳаракатлар сифатида намоён бўлади. Қолаверса, компенсация жисмоний ва рухий зўриқишларга сабаб бўлувчи фаолият ва ҳолатларни бошқа фаолият соҳаларига ўтказди. Мисол учун, бозорда чайқовчилик қилиб, харидорларни алдаб, мўмай даромад оладиган одам кўпинча ўз айбини “ювиш” учун мунтазам диний амалларни бажариб юради, Аллоҳга тавба-тазарру қилиб, мағфират сўраб илтижо қилиб туради. Бу ҳимоя механизми гиперкомпенсацияга нисбатан хавфлилик туғдирмайди.

Шунингдек, тадқиқотда талаба-йигитлар психологик ҳимоя механизмларининг диндорлик типлари билан ўзаро боғлиқлик жиҳатлари аниқланди. Бунинг илмий асоси қуйидаги жадвалда акс этган (1-жадвал).

1-жадвал

Талабалар-йигитларнинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари орасида корреляция коэффицентлари (n=116)

Ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари	Фалсафий	Сирли	Қўллаб-қувватланиш	Ташқи	«Сохта илм»	Олий куч	Ички	Маънавий хулқатвор
Сиқиб чиқариш	-0,189*	-0,052	-0,093	0,006	0,001	-0,188*	-0,038	-0,077
Регрессия	0,007	0,096	0,030	0,028	0,122	-0,060	0,014	0,056
Ўрнини тўлдириш	-0,097	0,149	-0,041	0,114	0,156	0,098	-0,006	0,173
Рад этиш	-0,023	0,136	-0,109	-0,016	0,037	-0,084	-0,158	0,125
Проекция	0,073	-0,075	0,159	0,063	0,078	0,176	0,048	0,283**
Компенсация	-0,127	0,100	-0,080	0,038	0,091	-0,030	-0,110	-0,023
Гиперкомпенсация	0,082	-0,032	0,004	0,066	0,071	0,029	-0,041	0,100
Рационализация	0,093	0,026	0,112	0,175	0,087	0,022	0,128	0,142

Изоҳ: * – $p \leq 0,05$; ** – $p \leq 0,01$.

Юқорида келтирилган жадвалдаги натижаларга кўра, талаба-йигитларнинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари ўртасида ҳам мусбат, ҳам манфий корреляцион боғлиқликлар борлиги яққол кўзга ташланди.

Бунга кўра олинган маълумотлар талаба-йигитларнинг салбий ҳиссиётлардан халос қилувчи ҳимоя механизмларидан бўлган сиқиб чиқариш динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш ($r=-0,189$; $p\leq 0,05$) ва дунёни вужудга келтирган Олий Куч, яъни Яратувчи Зотнинг мавжудлигини тан олиш ($r=-0,188$; $p\leq 0,05$) мезонлари билан манфий корреляцион муносабатлар аниқланди.

Ушбу рақамларнинг мазмуни шундан иборатки, динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш ва дунёни вужудга келтирган Олий Куч, яъни Яратувчи Зотнинг мавжудлигини тан олиш кучли намоён бўлган талаба-йигитларда сиқиб чиқариш ҳимоя механизми паст даражада шаклланган бўлар экан. Бошқача қилиб айтилса, сиқиб чиқариш ҳимоя механизми кучли намоён бўлган талабаларда диннинг асл моҳиятини тушунмаслик, динга фалсафий ёндаша олмаслик, диний ҳукмларнинг мантиғини очиб беришда етарлича фикрлай олмаслик эҳтимолидан дарак беради.

Ўзини оқлашга ёрдам берувчи ҳимоя механизмларидан бири бўлган Проекция динга маънавий хулқ-атвор меъёрлари намунаси сифатида қараш диндорлик типи билан узвий боғлиқ эканлиги аниқланди ($r=0,283$; $p\leq 0,01$). Яъни мазкур диндорлик типи кучли намоён бўлган талабаларда Проекция ҳимоя механизмининг юқори даражаси шаклланган бўлар экан.

«Мен»нинг диний импульслари проекцияси рўй бераётганда маънавий хулқ-атвор меъёрларига зид келувчи ўзидаги мавжуд камчиликларни бошқа бир мўмин бандага проекциялаш имконини беради. Ислом динида бунга Имом Абу Довуднинг «Мўмин мўминнинг кўзгусидир» ҳадисини мисол қилиб келтиришимиз ҳам мумкин. Шахс кўпинча маънавий хулқ-атвор намуналарига хос бўлган импульсларни кўпроқ проекция қилади. Мазкур импульслар проекция қилинганда атрофидаги инсонларнинг хатти-ҳаракатларини нотўғри идрок этиш жараёни содир бўлади.

Индивид ўзи қилмоқчи бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошира олмаса, ўзгалар бу ишларни бажараётгани учун уларнинг хатти-ҳаракатларини қоралайди. Уларга тажовузкор муносабатда бўлади. Инсон бошига тушган кўнгилсизликлар сабабли олам ғам-ташвишлар манбаига айланиши мумкин. Аммо, бошига тушган ғам-қайғулар учун ўзида айбдорлик ҳиссини бошидан кечирмайди.

Олиб борилган тадқиқот ишимизда талаба-қизлар томонидан олинган натижаларни математик-статистик мезонлар асосида қайта ишланиш ҳолатига кўра уларда мавжуд психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари билан корреляцион боғлиқлик жиҳатларини ўрганганимизда талаба-йигитларнинг натижаларидан фаркли алоқадорлик жиҳатлари борлиги кузатилди. Илмий тадқиқот ишимизда бу борасидаги аниқ эмпирик маълумотлар эса қуйидаги жадвалда акс этган (2-жадвал).

Талаба-қизларнинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари орасидаги корреляция коэффицентлари (n=193)

Ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари	Фалсафий	Сирли	Қўллаб-қувватланиш	Ташқи	«Сохта илм»	Олий куч,	Ички	Маънавий хулқ-атвор
Сиқиб чиқариш	0,011	-0,061	-0,131	-0,092	0,132	-0,076	-0,071	-0,008
Регрессия	0,081	0,152*	0,054	0,068	0,185*	0,034	0,142	0,081
Ўрнини тўлдириш	0,083	0,132	-0,004	0,012	0,028	-0,003	0,112	0,000
Рад этиш	0,093	-0,030	-0,019	0,097	0,046	0,120	0,070	0,037
Проекция	0,178*	-0,001	0,054	0,056	-0,040	0,166*	0,252**	0,103
Компенсация	0,070	0,120	0,042	0,112	0,143	0,002	0,143	0,120
Гиперкомпенсация	0,299**	0,145*	0,180*	0,132	0,020	0,208**	0,248**	0,165*
Рационализация	0,132	0,012	0,034	0,030	0,023	0,053	0,247**	0,052

Изох: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Юқорида келтирилган жадвалдаги натижаларга кўра, талаба-қизларнинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари ўртасида ҳам мусбат, ҳам манфий корреляцион боғлиқликлар аниқланди.

Буларга кўра, олинган маълумотлар шахсий жавобгарликдан озод қилувчи ҳимоя механизмларидан бўлган регрессия сирли ва сеҳрли дунёнинг мавжудлигига бўлган ишонч-этиқодлар диндорлик типи билан ($r=0,152$; $p \leq 0,05$), «Сохта илм»га қизиқиш, яъни сир-асрорли ҳодисаларни изохлашда аниқ билимдан кўра ҳар хил эътиқодларнинг устунлик қилиши ($r=0,185$; $p \leq 0,05$) мезонлари билан мусбат корреляцион муносабатлар аниқланди. Мазкур рақамлар бизга, шахс ижтимоий доираларда ихтилоф туғдираётган импульсларлардан ҳимояланишда намоз ўқиб Аллоҳдан ушбу қийинчиликларни бартараф этишни сўрашга, дин тўғри деб топган йўналиш орқали ҳаракат қилиб мушкуллардан халос бўлишга иродаси етмаслиги ёки тушунмаслигини ишора қилади. Шу сабабли, бошига тушган мусибатлардан фориғ бўлиш учун динда жоиз ҳисобланмаган амалларни бажаришлари мумкин. Ўзини оқлашга ёрдам берувчи ҳимоя механизмларидан проекция динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш ($r=0,178$; $p \leq 0,05$), дунёни вужудга келтирган Олий куч, яъни Яратувчи зотнинг мавжудлигини тан олиш ($r=0,166$; $p \leq 0,05$) ва диний эътиқодга бўлган ички эҳтиёж, яъни диний ўзлигини англаш ($r=0,252$; $p \leq 0,01$) каби диндорлик типлари билан узвий алоқадорликлар аниқланди. Мазкур диндорлик типлари кучли намоён бўлган

талабаларда Проекция ҳимоя механизмининг юқори даражаси шаклланган бўлар экан.


Юқоридаги рақамлар шуни кўрсатадики, «Эго»нинг диний импульслари проекцияси рўй бераётганда диннинг мазмун моҳиятини, диний ўзликни англаш ва диний эътиқодга алоқадор бўлган камчиликларни бошқа бир мўмин бандага кўчирилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, инсон Яратувчи Зотнинг мавжудлигини тан олиш, диний эътиқодга бўлган ички эҳтиёж борасида юзага келувчи камчиликларини онгсиз равишда атрофидаги инсонларнинг камчиликлари деб билади. Аслида эса улар ўзининг камчиликлари эканлигини англаб етмайди.

Гиперкомпенсация ҳимоя механизми динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш ($r=0,299$; $p\leq 0,01$), сирли ва сеҳрли дунёнинг мавжудлигига бўлган ишонч-эътиқодлар ($r=0,145$; $p\leq 0,05$), динга қўллаб-қувватлаш ва таскин топиш манбаи сифатида қараш ($r=0,180$; $p\leq 0,05$), Олий куч, яъни Яратувчи зотнинг мавжудлигини тан олиш ($r=0,208$; $p\leq 0,05$), диний эътиқодга бўлган ички эҳтиёж, яъни диний ўзлигини англаш ($r=0,248$; $p\leq 0,01$) ва динга маънавий хулқ-атвор меъёрлари сифатида қараш ($r=0,165$; $p\leq 0,05$) сингари диндорлик типлари билан мусбат боғлиқлик аниқланди.

Ушбу асосга кўра, гиперкомпенсация компенсация ҳимоя механизмидан фарқли ўлароқ талабалар ихтилоф туғдираётган импульслардан ёки гуноҳлари туфайли юзага келган руҳий зўриқишлардан ҳимояланиш мақсадида онгсиз равишда юқоридаги диндорлик типларига йўналиш эҳтимолини беради. Диндорлик хусусиятларини бошқаларникидан устун қўйишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир диний амалларини атрофидаги инсонлардан кўра мукамалроқ даражада адо этишга ҳаракат қиладилар.

Рационализация ҳимоя механизмида диний эътиқодга бўлган ички эҳтиёж, яъни диний ўзлигини англаш диндорлик типи билан ($r=0,247$; $p\leq 0,05$) мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланди. Бунга кўра, талаба-қизлар «Ид» томонидан хавф туғдирувчи кўнгилсизликларни талаба-йигитлардан фарқли равишда диний ўзликни англаш орқали оқлашга ҳаракат қилишади. Бунга «Йўқолгани хўп бўлди, бошимга тор келарди» ўзбек мақолини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

«Индивидуал диндорлик типларини тузилиши» методикаси шкалалари орасидаги мазмуний фарқли жиҳатлари бизни «Сохта илм»га қизиқиш, яъни сир-асрорли ҳодисаларни изоҳлашда аниқ билимдан кўра ҳар хил эътиқодларнинг устунлик қилиши ҳамда сирли ва сеҳрли дунёнинг мавжудлигига бўлган ишонч-эътиқодлар каби диндорлик типлари қолганларига нисбатан алоҳида бир яхлитликни ташкил этади, деган хулосага келишимизга асос бўлди. Бунинг сабаби шундан иборатки, мазкур иккита мезон ҳам идрок этиш натижасида нотўғри англанилган, яъни жамиятимиз томонидан маъқулланмаган диндорлик типлари ҳисобланади. Қолаверса, юқорида қайд этилаётган мезонлар деструктив хулқ-атворни ҳам англатади (2-расм).



2-расм. Индивидуал диндорлик типларининг конструктив ва деструктив хулқ-атвор шаклланишига таъсири.

Факторли таҳлил натижаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган 2-расмга кўра, барча индивидуал диндорлик типлари иккита факторга бирлашди.

Биринчи омилга тегишли бўлган типлар талаба-ёшлар диндорлигининг уйғунлашган типини ҳосил қилади. Бу эса ўз навбатида талаба-ёшларда конструктив диний хулқ-атворни (диний ибодатларни бажариш, Аллоҳнинг ягоналигига иймон келтириш, диний эҳтиёжини қондириш, Қуръони Карим ва ҳадисларда маънавий хулқ-атворга доир бўлган далилларга имкон қадар амал қилиш, бошига ташвиш тушса, диний амалларга кўпроқ эътибор қаратиш) шакллантирувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Нима учун айнан мазкур мезонлар конструктив диний хулқ-атворни шакллантиришини эса кўйидагича изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Инсон ҳаётида психик аппарат тузилмаларининг («Ид», «Эго» ва «Супер-Эго») ўзаро кураши натижасида психологик ва физиологик жиҳатдан эмоционал толиқиш ва зўриқиш ҳолатлари юзага келади. Мазкур тузилмалар ўртасида юзага келувчи курашларга сабаб бўлувчи асосий омиллар инсонни

ўраб турувчи ташқи ва ички муҳит ҳисобланади. Айнан улар ўртасида юзага келувчи манфаатли муносабатлар таъсирида инсон турли хил кечинмаларни бошидан кечиради. Айнан ушбу вазиятларда дин инсонларга психотерапевтик вазифани ўтаб беради. Шу боисдан ҳам инсон маълум бир таъсирлар гирдобига тушганда улардан халос бўлиш учун диний ибодатлар орқали Аллоҳдан ёрдам сўрайди. Шу йўл билан инсонлар руҳий таскин топадилар. Бу инсонларнинг конструктив диний хулқ-атворини шакллантиришга ва тартибга солиб туришга хизмат қилади.

Психологик нуқтаи назардан шахснинг маълум нарсаларга ёки хусусиятларга мойиллик даражалари маълум бир мезонларга қиёсланади. Худди шунингдек, инсоннинг динга нисбатан мойиллиги, муносабати унинг ички эҳтиёж сифатида ёки маълум бир мақсадларни кўзлаган ҳолда ташқи диндорлик хусусиятларининг паст ёки юқориликка қараб белгиланади. Инсон ички эҳтиёж нуқтаи назаридан динга йўналса, унда мазкур хатти-ҳаракати учун ҳеч бир мукофот кутмайди. Унинг бу хатти-ҳаракатлари замиридан бирор нима умид қилишлик эса кўпроқ ташқи диндорлик белгиларига нисбатан йўналганликдан далолат беради. Шунингдек, ички эҳтиёж ташқи муҳит таъсирига боғлиқ бўлмайди. Хулқ-атворни идентификациялаш ҳолати ҳам кузатилмайди. Мазкур мезондан ўрин олган бу каби ҳолат ва хусусиятлар инсонни маънавий жиҳатдан етук бўлишига хизмат қилади. Барқарор конструктив инсоний фазилатлар ва хусусиятларни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Чунки диний манбаларда келтирилган ҳақиқатлар, қадриятлар инсонларни жамият томонидан маъқулланган хатти-ҳаракатларни бажаришга ундайди.

Диний манбаларда келтирилган ҳақиқатларни илмий жиҳатдан таснифлаб берувчи психологик адабиётларда диннинг психотерапевтик, психокоррекцион ва психоконсультатив хусусиятлари борлиги кўплаб келтирилган. Мазкур хусусиятлар шахснинг айни вақтдаги долзарб муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради, мукамал даражага етиши ва унинг самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини ошириш ва психопатологик ва патопсихологик аломатларни тўхтатишга ёрдам беради. Бу жараёнлар амалга ошиши учун эса инсон диннинг асл моҳиятини тўғри тушуниши, ундаги ҳақиқатларга ишониши ва амал қилиши керак бўлади. Шу тартибда инсонда маънавий хулқ-атвор меъёрлари шакллана бошлайди.

Халқимиз ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, унда қадимдан то шу бугунгача ўз даврига кўра бир нечта динлар устунлик қилганини кўришимиз мумкин. Шунга кўра, маълум бир даврларда эътиқод устунлиги бўлиб келган динлар билан биргаликда урф-одат ва маросимлар ҳам шаклланган. Даврлар, диний эътиқодлар, урф-одат ва маросимлар алмашинуви натижасида инсонлар онгида ҳам бир динда маъқулланган бошқа динда эса қораланган амаллар шаклланиб бўлинган. Айниқса, мазкур ҳолат мамлакатимизга ислом дини кириб келиб, аҳолининг асосий эътиқод манбаига айлангандан кейин яққол юзага чиқди. Кўплаб урф-одат ва маросимлар ислом динида бидъат амаллар сирасига киритилди. Мазкур бидъат амаллар сирасига мушукнинг инсон олдида ўтиб кетганда унга бахтсизлик олиб келиши, дарахтга ният

килиб ип боғлаш, фолбинларга ишонишларни киритишимиз мумкин. Бу амаллар ва ишончларнинг давомийлиги инсонни соф эътиқоддан чалғитиб деструктив хулқ-атвор намуналарини шакллантиради. Шунингдек, мазкур уйғунлашмаган диндорлик типлари диннинг асл моҳиятини бузиб кўрсатиб инсонларни соф эътиқоддан адаштириш эҳтимоли юқори эканлигидан дарак беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари орасидаги боғлиқликни эмпирик ўрганиш натижалари**» деб номланиб, унда бир нечта методикалар орқали аниқланган диндорлик типларининг шахс психологик ҳимоя механизмлари ва шахс хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда диндорлик типларига таъсир этувчи омилларнинг таҳлили келтирилиб ўтилади.

Ж.Фаренбер, Х.Зарг, Р.Гампелларнинг «Фрайбург шахс сўровномаси» мезонлари Ю.В.Шчербатихнинг диндорлик типлари билан ўзаро алоқаларини келтириб чиқаришга хизмат қилади. Илмий тадқиқот ишимизда бу борасидаги аниқ эмпирик маълумотлар куйидаги жадвалда акс этган (3-жадвал).

3-жадвал

Талаба-ёшларнинг шахс хусусиятлари ва диндорлик типларининг корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари (n=309)

Хусусиятлар ва типлар	Фал	Сир	Тас	“Соҳ-та илм”	Олий куч	Ички	Маънавий
Асабийлик	0,013	0,189**	-0,018	0,228**	-0,091	0,036	0,089
Спонтан агрессивлик	-0,069	0,130*	-0,132*	0,137*	-0,156**	-0,050	0,046
Депрессивлик	-0,043	0,124*	-0,062	0,152**	-0,068	-0,027	0,052
Жиззакилик	0,016	0,154**	-0,063	0,137*	-0,082	0,040	0,086
Мулоқот-мандлик	0,153*	-0,028	0,053	-0,008	0,067	0,048	0,021
Мувозанатлашганлик	0,014	-0,054	-0,010	-0,052	0,119*	0,023	0,134*
Самимийлик	0,175**	-0,056	0,154**	0,103	0,046	0,103	0,138*
Экстроверсия-интроверсия	0,102	0,022	0,028	0,124*	0,035	0,147**	0,096
Эмоционал-ўзгарувчанлик	0,014	0,173**	-0,025	0,170**	-0,035	0,006	0,063
Маскулинизм-феминизм	0,001	-0,128*	0,002	-0,030	-0,012	0,138*	-0,032

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$, *** $p \leq 0,001$

Юқорида келтириб ўтилган жадвалдаги рақамлар шахс хусусиятлари ва диндорлик типларининг ўзаро боғлиқлик жиҳатларини акс эттиради. Натижаларга кўра, талаба-ёшларнинг «асабийлик», «спонтан агрессивлик», «депрессивлик», «жиззакилик» каби хусусиятлари уйғунлашмаган диндорлик

типлари ва «эмоционал ўзгарувчанлик» хусусиятларининг кучлироқ намоён бўлиши хулқ-атворга салбий таъсири жиҳатлари бўлиши мумкинлиги англатади (3-расм).



3-расм. Диндорлик типларининг салбий эмоционал хусусиятлар ва ижобий шахсий фазилатлар ривожланишига таъсири.

Талаба-ёшларнинг уйғунлашмаган диндорлик типларига йўналганлигининг ортиб бориши билан уларда асабийлик хусусиятининг ҳам ортиб бориши рўй бериши аниқланди. Натижада талабалар ўз хатти-ҳаракатларини онгли бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлишлари ва ҳақиқий диний амалларни бажариш ўрнига сеҳрли дунё ва “Сохта илм”га бўлган қизишлари ортиб бориши кузатилади. Уйғунлашмаган диндорлик типларининг мойиллигининг ортиши хаёлий таъсирларга нисбатан асосиз кўрқув уларни жаззакилик, асабийлик, депрессивлик, жаззакилик ва эмоционал ўзгарувчанлик хусусиятларини шакллантириши мумкин. Бунинг сабаби, уларнинг хаёлларидаги сирли ва сеҳрли дунёда яшаш хавфли, табиийлик занжирлари узилган ва одамлар устидан тушунарсиз мавжудотларнинг ҳукмронлиги бўлади.

Аксинча, уйғунлашган диндорлик типлари талаба-ёшларда салбий эмоционал хусусиятлар шахс хусусияти сифатида намоён бўлмайди. Чунки динимиз инсонларни ғазабланишдан ва унинг таъсирида бирор-бир ножўя хатти-ҳаракатни оширишдан қайтарган.

Тадқиқотда талаба-ёшларнинг психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типларининг корреляцион боғланиш Р.Плутчик ва Г.Келлерманнинг «Ҳаёт стили индекси» ва Ю.В.Шчербатихнинг

«Индивидуал диндорлик типлари тузилмаси» методикалари орқали аниқланди.

Р.Плутчик ва Г.Келлерман мезонлари Ю.В. Шчербатихнинг диндорлик типлари билан ўзаро алоқаларини келтириб чиқаришга хизмат қилади. Илмий тадқиқот ишимизда бу борадаги аниқ эмпирик маълумотлар қуйидаги жадвалда акс этган (4-жадвал).

4-жадвал

Психологик ҳимоя механизмлари ва диндорлик типлари орасидаги корреляция коэффицентлари (n=309)

Шкалалар	Фалсафий	Сирли	Қўллаб-қувватланиш	Ташқи	«Сохта илм»	Олий куч	Ички	Маънавий хулқ-атвор
Сиқиб чиқариш	-0,173**	-0,027	-0,108	-0,081	0,068	-0,146*	-0,049	-0,038
Регрессия	0,04	0,115*	0,038	0,047	0,047	-0,01	0,093	0,051
Ўрнини тўлдириш	0,005	0,188**	-0,008	0,061	0,077	0,056	0,102	0,083
Рад этиш	0,053	0,017	-0,063	0,03	0,043	0,019	0,029	0,086
Проекция	0,148**	-0,015	0,064	0,058	0,02	0,122*	0,144*	0,150**
Компенсация	-0,009	0,137*	-0,008	0,074	0,138*	-0,006	0,084	0,077
Гиперкомпенсация	0,188**	0,105	0,074	0,116*	0,055	0,095	0,08	0,145*
Рационализация	0,087	0,054	0,072	0,083	0,069	-0,013	0,148**	0,091

Изоҳ: *= $p \leq 0,05$, **= $p \leq 0,01$ ***= $p \leq 0,001$

Натижаларга кўра салбий ҳиссиётлардан халос қилувчи ҳимоя механизмларидан бўлган сиқиб чиқариш уйғунлашган диндорлик типларидан динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш ($r = -0,173$; $p \leq 0,01$) ва дунёни вужудга келтирган Олий куч, яъни Яратувчи зотнинг мавжудлигини тан олиш ($r = -0,146$; $p \leq 0,05$) мезонлари билан манфий корреляцион муносабатлар аниқланди. Ушбу рақамларнинг мазмуни шундан иборатки, динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш ва дунёни вужудга келтирган Олий куч, яъни Яратувчи зотнинг мавжудлигини тан олиш кучли намоён бўлган талабаларда сиқиб чиқариш ҳимоя механизми паст даражада шаклланган бўлар экан.

